

12-1-2021

## IMPORTANT ISSUES OF COMPETITIVENESS AND QUALITY IMPROVEMENT OF SERVICES OF COMMERCIAL BANKS

A'zamjon Sherkhadjjev  
*Tashkent Institute of Finance*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Sherkhadjjev, A'zamjon (2021) "IMPORTANT ISSUES OF COMPETITIVENESS AND QUALITY  
IMPROVEMENT OF SERVICES OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021  
: Iss. 6 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss6/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Аъзамжон Шерхаджаев**  
*Тошкент молия институти*

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда амалий аҳамиятига оид масалалар тадқиқ этилган ва бу борада хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ва инновацион технологияларини ривожлантириш шароитида тижорат банклари хизматлари сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш борасида мавжуд муаммолар аниқланган. Жумладан, молиявий очиқликни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимида бўлган ишончни янада оширишга оид долзарб муаммоларни ҳал этишнинг илмий ечимлари кўрсатиб берилган ва тижорат банклари хизматлари рақобатбардошлиги ҳамда сифатини оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таняч сўзлар:** тижорат банклари, банк хизматлари, рақобат, кредит, замонавий банк хизматлари, банк маҳсулотлари, инновациялар, рақамли технологиялар, банк хизматлари сифати.

**A'zamjon Sherkhadjaev**  
*Tashkent Institute of Finance*

## **IMPORTANT ISSUES OF COMPETITIVENESS AND QUALITY IMPROVEMENT OF SERVICES OF COMMERCIAL BANKS**

**Abstract:** This article includes the economic significance, goals and objectives and practical significance of improving the quality and competitiveness of commercial banking services in the Republic of Uzbekistan, as well as the views of foreign economists. Also, the existing problems in improving the quality and competitiveness of commercial banking services in the context of the development of the digital economy and innovative technologies in Uzbekistan were identified. In particular, scientific solutions to current problems related to the expansion of financial transparency, service culture and further confidence in the banking system were presented, and recommendations were developed to improve the competitiveness and quality of services of commercial banks.

**Key words:** commercial banks, banking services, competition, credit, modern banking services, banking products, innovations, digital technologies, quality of banking services.

### **КИРИШ**

Тараққий этган давлатларда бугунги кунда инновацион технологиялар ва рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланмоқда. Бунинг асосий омили иқтисодиёт реал секторида, банк-молия тизимида инновацион технологияларнинг шиддат билан кенг миқёсда жорий қилинишидир. Ушбу жараён ривожланаётган давлатларда ҳам изчи л амалга оширилмоқда ва инсонларга қулайликлар яратилмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам МДХ

давлатлари каби барча соҳаларда рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологияларни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган воситалардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, Давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича “йўл харита”ларини 2020 йил 1 июндан бошлаб амалга ошириш, шу жумладан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари белгиланган”[1].

Сўнги уч йилида Ўзбекистонда амалга оширилган изчил ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мамлакат банк-молия тизимини янада ривожлантириш, банк хизматлари турлари ва сифатини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан мобил иловалар орқали коммунал тўловлар, картадан картага пул ўтказмалари, нақд пулларни олиш ва хорижий валюталар билан боғлиқ конверсион банк амалиётларини масофадан амалга ошириш, маблағларни муддатли депозитларга жойлаштириш ва кредитлардан қарздорликни онлайн шаклда камайтириш каби замонавий рақамли банк хизматларининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

Аммо, дунё мамлакатлари иқтисодиётида кузатилаётган глобаллашув жараёни, рақобатнинг чуқурлашуви, тижорат банкларида трансформация жараёнини жадаллаштириш, банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради. Бу жараёнда, банк тизимидаги ислохотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишга қаратилган. Шу билан бирга, банк мижозлари ҳисобланган юридик шахсларга банкнинг масофадан рақамли хизматлари турлари ва сифати ортиб бормоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

COVID-19 пандемияси таъсирига қарамасдан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида банкларнинг инновацион хизматлари турлари ва маҳсулотлари сифатининг ортиб бориши албатта ижобий ҳолат. Бироқ, тижорат банклари олдида хизматлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончилиги билан боғлиқ бир қатор масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Хусусан, “банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва

камчиликлар”[2] бу борада кўплаб масалалар айнаи патда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, бозор муносабатларининг асосий механизмларидан бири рақобат ҳисобланади, чунки мамлакатда чекланган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, мулкдорлар синфини, соғлом рақобат муҳити ва бозорда ҳақиқий баҳони шакллантириш, банклар хизматлари турлари ва сифатини ошириш билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал этиш иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тижорат банклари капитали таркибида давлат улушининг юқорилиги (86,5%), жалб қилинган маблағлар таркибида депозит маблағлар улушининг пастлиги (37,4%), банк ресурслари таркибида қиммат маблағлар улушининг юқорилиги (50,2%) каби ҳолатлар уларнинг хизматлари рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда[3].

Тараққий этган мамлакатларда банк тизмида инновациялар кенг қўлланилади. Рақамли иқтисодиётда банк инновациялари бўйича етакчилар Германия, Япония, АҚШ, Жанубий Корея ва Буюк Британия ҳисобланади. Замонавий банк рисклари сифатида интернет-фирибгарлик жаражаёнлари ҳам шиддат билан ўсиши кузатилмоқда[4].

Бозор иқтисодиётида банк хизматлари турлари ва сифатининг ошишида рақобатнинг ўрни бекиёсдир. Бозор шароитида тижорат банклари фаолиятида ҳам рақобат муҳим ўрин тутаети, чунки айнан рақобат тижорат банкларини фаол ҳаракатга чорлайди. Шунини эътиборга олиш лозимки, рақобат муҳити соғлом, табиий ва бозор тамойиллари ҳамда қоидаларига асосланаган бўлиши лозим. Шунда тижорат банклари ўз мижозларига турли-туман хизматларни таклиф этади, бу албатта банк хизматлари таннархининг пасайига, сифати ва қулайлигини ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, рақобатнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларни изланишга, товар таннархини имкон қадар пасайтиришга, сифатини яхшилашга, уларнинг турини кўпайтиришга, истеъмолчилар учун мақбул хизматларни ташкил этишга ундайди. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар “Рақобат бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафтиликка эга бўлиш учун курашни англатади” [5], деб таъкидлайдилар.

Таниқли хорижлик иқтисодчи олимлардан бири О.И. Лаврушин жумладан: банк инновациялари “ – бу янги технологиялар соҳасида банк мақсадлари ва банк фаолияти натижасига оид синтетик тушунчаси бўлиб, мижозлардан қулай шартларда банк ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш асосида қўшимча даромад олишга йўналтирилган янгиликлар асосида фойда олишдир”, деб таъкидлайди[6]. Проф. О.И.Лаврушин банк инновацияларини фойда олиш билан боғлайди. Чунки, бизнинг назаримизда ҳар қандай янгилик ҳам инновация бўлавермайди. Инновация бўлишини учун яратилган ҳар қандай маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат пировард натижада фойда олиб келиши керак. Ана шундагина бу янгиликни инновация, деб айтиш мумкин.

Хорижлик иқтисодчи олим проф. И.Т.Балабанов эса, банк инновацияси – бу «банк амалиёти ёки янги банк маҳсулоти шаклида ишлаб чиқилган банк инновацион фаолиятининг пировард натижасидир, инновацион фаолият эса, – бу «инновацияларни яратиш ва сотишнинг тизимли жараёнидир», деб таъкидлайди[7]. Шу ўринда проф. И.Т.Балабанов банкдаги инновацияларни янги банк маҳсултини яратиш билан бевоита боғлайди ва инновацион фаолиятни ҳам алоҳида мазмунини очгани ҳолда банкларда инновацияларни яратиш ва сотиш тизимли жараёнга айланлигини алоҳида эътироф этади.

Шунингдек, хорижлик иқтисодчи олимлардан бири проф. П.В.Семикова хусусан: «Банк инновацияси – бу янги банк амалиёти ёки янги банк маҳсулоти шаклидаги новация бўлиб, банк инновацион фаолиятининг натижаси ҳисобланади», деб қайд этиб ўтган[8]. Фикримизча, проф. П.В.Семикова банк инновациясини янги банк амалиётлари ёки янги банк маҳсулоти эканлиги эътироф этган ҳолда банк инновацион фаолиятининг натижасидир, деб қайд этиб ўтган. Албатта, банклар ўз фаолиятида рақамли банк технологияларини ва инновацияларни олиб кирмас экан, улар қисқа вақт ичида мижоларидан ва барқарор ресурсларидан ажралиб қолади. Шу сабабли, банклар албатта мунтазам равишда рақобатбардош банк хизматлари ва маҳсулотларини ўз мижозларига тақдим этишларига мажбур бўлади.

Юқорида номлари қайд этилган иқтисодчи олимларнинг банк инновацияларига оид илмий таърифлари ва назарий қарашлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг назаримизда “банк инновациялари” тушунчасига қуйидагича илмий таъриф бериш мумкин: жумладан, “Банк инновациялари – бу банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш мақсадида назоратни кучайтириш ва мижозларга янада тезроқ, сифатли ҳамда рақобатбардош банк хизматларни кўрсатиш борасидаги харажатларни камайитишни таъминлашга қаратилган янги технологиялардир”.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ушбу мақолада илмий тадқиқот олиб боришда қиёслаш, таққослаш, синтез, тадқиқотнинг мантиқий ва таққослама таҳлили, иқтисодий таҳлил, дедукция, илмий абстракциялаш каби методлардан фойдаланилган.

## **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Ривожланган давлатларда замонавий банк хизматларининг кўлами мунтазам равишда кенгаймоқда, банк хизматлари бозорида доимий равишда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турлари пайдо бўлмоқда. Бу жараён тижорат банклари ўртасида ҳар бир мижоз учун рақобатни кучайтиришга олиб келади. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки ўз хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш асосида мижозлар билан бўлган муносабатларини шериклик тамойилларига асосланган ҳолда тузмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жаҳондаги нуфузли халқаро рейтинг агаентликларидан бири Moody's - (Moody's Investors Service) кредит

рейтингларини белгилаш, рискларни тадқиқ ва таҳлил қилиш билан шуғулланади. Шунингдек, ушбу агентлик Standard & Poor's и Fitch Ratings халқаро агентликлари билан бирга «катта учталиқ» халқаро рейтинг агентликлари қатрида туради.

Жумладан, Moody's халқаро рейтинг агентлиги ўтказган охириги тадқиқотларидан бирида “юқори технологияларни инкор қиладиган банкларнинг истикболи кўринмайди”, деган хулосага келди. Замонавий банк технологияларининг ривожланиши ҳозирданок халқаро банк соҳасига инқилобий таъсири шиддат билан ўтказа бошлади.

Айни пайтда дунёнинг етакчи банклари ўзларининг таклиф этаётган банк маҳсулотлари ва хизматлари сифатини узлуксиз оширишга ҳамда вақтнинг ўзида харажатларни пасайтиришга интилоқдалар. Банк ва молия хизматлари кўлами йилдан-йилга кенгайишига мос ҳолда бозорда янги маҳсулот ва хизматлар пайдо бўлмоқда. Ушбу омил банклар ўртасида ҳар бир мижоз учун рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича банк тизими олдида бир қатор муҳим устувор вазифлар белгилаб берилди.

Ўзбекистонда банк соҳасида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва рискларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, банкларнинг молиявий воситачилик ролининг паст даражада эканлиги каби муаммолар банкларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда қабул қилинган “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ушбу масаларни ечишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кунда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли масканларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича кўшимча чоралар кўрилмоқда.


Хусусан, мижозларга мобил иловаларни юклаш ва турли тўловларни сониялар ичида ўтказиш имкониятлари яратилди ва тўловларнинг хавфсизлиги амалда таъминланди. Бунинг натижасида мазкур хизматлардан фойдаланувчилар сони 2016 йилдаги 2 млн. кишидан 2020 йил якунига келиб 7 баробарга кўпайиб 14,6 млн. кишидан ошиб кетди[9].

COVID-19 пандемияси шароитида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари инновацион технологиялар тизимини кенгайтормоқда, янги банк хизматлари ва маҳсулотларини жорий қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда кунда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга

кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли масканларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, банклар томонидан “Uzcard” ҳамда “Humo” тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилиб, уларнинг инфратузилмаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, 2020 йил 11 апрелда Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга “Uzcard” тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан тақдим этилди.

Ўз навбатида, бизнинг фикримизча, тижорат банклари ўз миқдорларининг маблағларини нафақат доимий равишда ҳимоя қилибгина қолмай, балки янги банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф қилиш орқали аҳолининг тадбиркорлик фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшишлари тақозо этилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган турли макроитисодий ва молиявий муаммолар, инқирозлар, пандемиялар ҳамда ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида банк хизматлари ва маҳсулотлари замонавий турларининг яратилиши жараёнлари кузатилмоқда.



**1-расм. Ўзбекистонда муомаладаги банк карталари сони, млн. дона[10]**

1-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк карталари сони 2020 йилда 2018 йилга нисбатан 6,3 млн. донага кўпайиб 25.8 млн. донага етди. Бу эса, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончи тобора ортаётганлигидан далолат бермоқда.

Дунёнинг 121 та нуфузли банклари фаолиятида 2012 йилда ўтказилган таҳлиллардан келиб чиқиб, бармоқ излари энг оммабоп биометрик технология, деб хулосага келинган эди. Жами 31 та мамлакатнинг 184 та банкларида ўтказилган янги тадқиқотлар ҳам худди шундай натижани берди[11].

Хорижлик иқтисодчи олим Ж.Синкининг маълумотида кўра, тижорат банклари фаолиятидаги илк жиддий инновацион маҳсулот бўлиб, 1961 йилнинг февралда Нью-Йоркнинг Биринчи миллий банки томонидан чиқарилган депозит сертификатлари ҳисобланади. Ушбу сертификатлар

кейинчалик оммалашиб, тижорат банкларига ресурслар жалб қилиш ва пассивларни бошқариш имконини берди[12].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони [13], аввало, амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, банк ишида биометрия энг оммабоп бўлиб, у Ҳиндистон ва Индонезия каби Осиёнинг ривожланиб бораётган мамлакатларида янада тезроқ оммалашиб бормоқда. Уларнинг орасида энг машҳур усулларидан бармоқ излари, овоз, кўзнинг қорачиғини сканер қилиш, кафтларни сканер қилиш ёки қўлнинг геометрияси, динамик имзо усуллари ҳисобланади [14].

Корхоналарда пул оқимлари ҳам тижорат банклари активлари сифатига кучли таъсир кўрсатади, хусусан уларнинг барқарорлиги банк активлари сиватини оширади[15]. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Джон Линтнер ҳам бошқа иқтисодчилар каби қимматли қоғозлар ва молиявий активларни баҳолаш усули устида тадқиқотлар олиб бориб, Уильям Шарп томонидан яратилган назарий асосларга бутунлай қўшилган [16]. Бизнинг назаримизда, қимматли қоғозлар бозорида молиявий активларни сотиш ва сотиб олишда йирик инвесторлари, акциядорлик жамиятлари ва тижорат банклари албатта Уильям Шарп томонидан яратилган назарияга таянадилар.

Хорижлик қитисодчи олимлар Итаи Агур ва Мария Демертзлар эса, 2009 йилдаги ўз тадқиқотларида фоиз ставкасининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири хусусида, жумладан шундай деган, “... фоиз ставкасининг пасайтирилиши молиявий барқарорликни ёмонлаштиради” [17]. Иқтисодчи олимлар ушуб тадқиқотларида арзон пуллар сиёсатининг молиявий барқарорликга салбий таъсир этишини таъкидлаганлар. Амалиётда эса, иқтисодий ўсишга эришиш учун арзон пуллар сиёсати ҳам қўлланилади.

Юқорида қайд этилганларга асосан, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ва инновацион технологияларни жорий қилиш ҳамда ривожлантириш шароитида банк хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, замонавий банк хизматлари ва маҳсулотлари турларини жорий қилиш борасида белгиланган вазифалар ижроси Марказий банк ҳамда тижорат банклари ўзаро ҳамкорлигининг амалий ва самарали шаклларини қўллашни тақозо этмоқда. Бундай ёндашув, COVID-19 пандемияси шароитида аҳолида банк тизимига бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда тўлов терминаллари орқали амалга оширилган транакциялар суммаси сўнги йилларда сезиларли даражада ўсиб бормоқда, уларнинг ҳажми 2020 йилга келиб 81,0 трлн. сўмни ташкил этди. Бу эса, аҳолининг молиявий саводхонлиги ошаётганлигидан, молия интизомига риоя қилаётганлигидан ва банк тизимига бўлган ишончи тобора ортаётганлигидан далолат бермоқда.



## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Ўзбекистонда тижорат банклари хизматлари рақобатбардошлиги ва сифатини ошириш масалаларига оид тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, COVID-19 пандемияси шароитида тижорат банкларида рақамли технологияларни қўллаш асосида банк хизматлари рақобатбардошлигини оширишга оид қуйидаги илмий хулосаларни шакллантирдик.

1. Тараққий этган давлатларда бугунги кунда инновацион технологиялар ва рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланмоқда. Бунинг асосий омили иқтисодиётда, шу жумладан иқтисодиёт реал секторида, банк-молия тизимида инновацион технологиларнинг шиддат билан кенг миқёсда жорий қилинишидир.

2. Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган турли макроитисодий ва молиявий муаммолар, инқирозлар, пандемиялар ҳамда ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида банк хизматлари ва маҳсулотлари замонавий турларининг яратилиши жараёнлари кузатилмоқда.

3. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва COVID-19 пандемияси шароитида тижорат банклари учун мавжуд мижозларни сақлаб қолиш ва янгиларини жалб қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун банклараро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда банклар фолиятига инновацияларни ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда над пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

4. Банк хизматлари рақобатбардошлигини мустаҳкамлашда кредит рискларини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Рискларни камайтириш учун тижорат банклари банк харажатларини камайтириш ва рискларни четлаб ўтишга қаратилган рискларни бошқаришнинг замонавий сиёсатини ишлаб чиқишлари зарур. Кредит рискларни бошқаришнинг асосий усуллари булар - диверсификация, концентрация, лимитлаштириш ва захира шакллантириш.

5. Кенг қамровли инновациялар учун йирик бизнеснинг, давлатнинг фан ва технологияларнинг ҳамкорлигининг янги даражаси тақозо этилмоқда. Амалда эса, глобал инновацияларнинг манбаси бўлиб, йирик компаниялар ва фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. “ ПҚ-3620-сон 23.03.2018. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.” <https://lex.uz/docs/3593541> (accessed Jan. 04, 2021).

3. ПҚ-3620-сон 23.03.2018. Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.” <https://lex.uz/docs/3593541> (accessed Jan. 04, 2021).
4. Щербakov С. С. Банковские инновации в цифровой экономике и оценка инновационного потенциала российских банков // Белгород : ООО Агентство перспективных научных исследований (АПНИ), 2020. С. 30-34. URL: <https://apni.ru/article/1089-bankovskie-innovatsii-v-tsifrovoj-ekonomike>.
5. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Молия, 2002. - 1539-бет.
6. О.И. Лаврушин, Н.И. Валенцева [и др.]; Банковское дело: под ред. О.И. Лаврушина. — 12-е изд., стер. — М.: КНОРУС, 2016. — 752 с.
7. Банки и банковское дело / Под ред. д.э.н., проф. И.Т. Балабанова. — СПб: Питер, 2001. - с.172.
8. Семикова П. Банковские инновации и новый банковский продукт // Банковские технологии. – 2009. – № 11. -с.12.
9. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) маълумотлари.
10. Расм [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) маълумотлари асосида муалиф томонидан тузилди.
11. Biometrics for payments. New science: transaction security. UL New Science [newscience.ul.com/NS\\_TS\\_Article](http://newscience.ul.com/NS_TS_Article) 2014. p. 7.
12. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ -5177-сонли Фармони.
14. Gunajit Sarma Internet Banking: Risk Analysis and Applicability of Biometric Technology for Authentication. International Journal of Pure and Applied Sciences and Technology, 2010, No. 1, pp. 67–78.
15. Sapuan, N. M., Abdul Wahab, N. ., Fauzi, M. A. ., & Omonov, A. . (2021). Analysing the Impacts of Free Cash Flow, Agency Cost and Firm Performance in Public Listed Companies in Malaysia. Journal of Governance and Integrity, 5(1), 211–218. <https://doi.org/10.15282/jgi.5.1.2021.7061>
16. Damodar N. Gujarati and Dawn C. Porter. Basic Econometrics, ISBN-13: 978-0-07-337577-9, McGraw-Hill/Irwin, 2009, pp-946
17. Itai Agur, Maria Demertzis. Will macroprudential policy counteract monetary polycy’s effects on financial stability? North American Journal of Economics and Finance 48 (2019) 65-75.